

СТИР- 207242599 ТИФ «Миллийбанк» АЖ Тошкент шаҳар х/р 20 208 000 700 642 184 001 МФО: 00450

**"JAHON SAVDO KOMPLEKSI" АЖнинг 2025 йил 01 январдан
2025 йил 31 декабргача бўлган даврининг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан
аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Фикр

Биз **"JAHON SAVDO KOMPLEKSI" АЖ**нинг 2025 йил 01 январдан 2025 йил 31 декабргача бўлган давр якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятининг миллий стандартлар асосида тайёрланган Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар ҳамда Капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат бўлган молиявий ҳисоботларини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, **"JAHON SAVDO KOMPLEKSI" АЖ**нинг 2025 йилнинг 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган молиявий ҳисоботларни тузиш қоидалари ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Фикр билдириш учун асос

Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари асосида ўтказилди.

Биз бухгалтерлар учун ахлоқ стандартлари бўйича халқаро кенгаш томонидан ишлаб чиқилган ахлоқ кодексига мувофиқ аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари мустақиллиги қоидалари ҳамда аудиторларнинг касбий ахлоқ кодексига асосан аудиторлик текшируви ўтказилаётган ташкилотга нисбатан мустақил ҳисобланамиз.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун старлича асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланиши ва ҳаққоний тақдим этилиши учун, шунингдек, фирибгарлик ёки хато туфайлиюзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан ҳоли бўлган ички назорат тизими

учун жавобгардир. Жамиятни бошқариш учун масъул бўлган шахслар молиявий ҳисоботни тайёрланишини назорат қилиш бўйича жавобгардирлар.

Молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши жараёнида жамият ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолаш, тегишли ҳолатда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериш, бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлигини ва молиявий ҳисоботларнинг тайёрланишини назорат қилиш бўйича масъулдир.

Аудиторлик ташкилотининг масъулияти

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги аудиторлик текшируви жараёнида молиявий ҳисоботлар ва бошқа молиявий ахборотларнинг барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолаш орқали ушбу молиявий ҳисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу стандартлар жамият молиявий ҳисоботларида жиддий бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишини таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудиторлик текшируви жараёнида биз профессионал мулоҳазалардан фойдаланамиз. Бундан ташқари биз:

а) фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботларнинг жиддий бузиб кўрсатилиши хавфини аниқлаймиз ва баҳолаймиз, ушбу хавфларга жавобан аудиторлик жараёнларини ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз, фикримиз учун асос бўлишига етарли далилларни оламиз;

б) аудит жараёнларини ишлаб чиқиш мақсадида аудиторлик текширувига тегишли ички назорат тизими ҳақида тушунчага эга бўламиз;

в) ҳисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлиги ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ошкор этиш асосларини баҳолаймиз;

г) аудиторлик далиллари асосида фаолиятнинг узлуксиз давом эттиришга шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар туфайли ноаниқликлар мавжуд эмаслиги бўйича ҳулоса чиқарамиз;

д) молиявий ҳисоботларнинг тузилиши, мазмуни ҳамда уларнинг ишончли ифодаланишини баҳолаймиз.

«ASR AUDIT ANDIJON» Аудиторлик
ташкilotи директори, аудитор:




Э.Курбонова
Малака сертификат
29.10.2016 й. № 05425

Хулоса тузилган сана
08.05.2026 йил
№25
Андижон шаҳар